

Истеъмолчи ҳуқуқини биладими?

Оч қорним, тинч қулоғим, деманг

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун ҳар биримизни истеъмолчи сифатида ўз ҳимоясига олди. Лекин қонунда белгиланганидек, бизга берилган ҳақ-ҳуқуқимиздан тўғри фойдалана олаётмишми? Қонуннинг моҳиятини англаб етиш, унинг қанчалик фойдали эканлигини ҳақиқат ҳам тушунаётмишми?

Авалло, истеъмолчининг ўзи ким?

Истеъмолчи — бирор маҳсулот, товарни сотиб олувчи ёки хизматта буюртма берувчи фуқаро, яъни жисмоний шахсдир. Демак, сиз биз — барчамиз истеъмолчи ҳисобланамиз. Истеъмолчи сифатида ҳар кунги савдо дўконларидан маҳсулотлар харид қилганимиз ёки бизга маиший, коммунал, телефон, транспорт ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатилгани билан ҳам фойдаланамиз. Шунингдек, товар сотиб олиш ниятида бўлган фуқарони ҳам истеъмолчи, деб ҳисоблаш мумкин.

Истеъмолчилар яна бир нарсани англаб олиши керакки, у бозорда муштарак. Бу шароитда, ҳеч бир товар ишлаб чиқарувчи маҳсулотини истеъмолчи сотиб олишига ёки хизмат кўрсатувчилар ўз хизматларини мажбурият билан таъин қилишига ҳаққи йўқ. Бундай ҳолатлар қонун билан таъқиқланади. Истеъмолчи ўзи учун маъқул бўлган товарлар ва хизматлардан фойдаланиши, танлаш имкониятига эга бўлиши қонун билан қароғайланган. Бу эса истеъмолчи қандай маҳсулотлар ва хизматлар зарурлигини ўзининг ўзи муштарак равишда белгилашини билдиради.

Сиз бирор-бир маҳсулот (товар) сотиб олдингиз, унда, албатта, тегишли ҳужжатларга эътибор беришингиз зарур. Маҳсулотни ким, қарда ишлаб чиқарган, сифат сертификати борми? Дори-дармон, озиқ-овқат ва маиший кимё товарларида ишлаб чиқарилган сана ва яроқлилик мuddати ҳамда сақлаш, ишлаш шартлари кўрсатилганми? Харид қилган маҳсулот (товар)нингизга кўрсатилган хизмат учун чек, квитанция ёки ҳужжат олдингизми?

Худудий бошқарма тўмонидан бу борада ўтказилаётган мониторинг ва текширув-

лар натижасига қўра, бир қатор ҳолатларда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилганини аниқланди. Лекин бу аниқланган далиллар буйича истеъмолчи шикоят қилмасдан, «Оч қорним, тинч қулоғим» қабилида кетаверганини нима дейсиз?

Мисол тариқасида келтирсак, Зангиота тумани матдубот савдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли 13, 16 ҳамда Бекобод шаҳридаги С.Т.В. «ОРА» дўконларида сотилаётган туз маҳсулотлари «йодланган ош тузи» деб кўрсатилган. Лекин туздан намуналар олиниб, лабораторияда таҳлил ўтказилганида, олинган туз намуналари муштарак истеъмолчи яроқсиз ва зарур бўлган йод миқдори йўқлиги тасдиқланди. Бу ҳолатларни бартираф этиш учун тегишли ҳуқуқ органларига мазлум қилинди.

Истеъмолчи ҳуқуқини қанчалик яхши билса, ўзининг соғлиғига, мол-мулкига, атироф-муҳитга товар ва хизматлардан фойдаланиши оқибатида етказилиши мумкин бўлган зарар ҳажминини шунчалик кўп қисқартириши ёки зарар етказилган тақдирда уни жавобгар шахслардан ундириб олиши мумкин.

Истеъмолчиларни яна бир ҳужжатдан бохабар этиб қўйиш аниқ мuddаоидир. Бу ҳужжат 2002 йил 13 сентябрда Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтган бўлиб, шаҳар ва аҳоли пунктларида уй-жойларни таъмирлаш жамғармаси ва коммунал хизматлари билан боғлиқ бўлган харажатларни белгилаб бериб.

Бу харажатлар нималардан иборат? Уй ҳужжалини сақлаш, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг иш ҳақи харажатлари, умумий фойдаланиладиган жойларни жорий таъмирлаш, машиналар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва бошқа мол-мулкларни тиклашга амортизация

ажратмалари, тўлиқ таъмирлаш харажатлари ҳамда бошқарув аппаратларини сақлаш харажатларидир.

Коммунал хизматлари нималардан иборатлигини истеъмолчиларимиз яхши билади. Яъни, ичимлик суви, канализация, марказлаштирилган иссиқлик, иссиқ сув, маиший чиқиндиларни ташиш, газ, электр таъминотида улар.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш (эксплуатация) харажатлари ўз мuddатида тўлаб берилмаса, ҳар бир ўтказиб юборилган кунга 0,5 фоиз пеня тўланади. Лекин бунда олинандиган пеня миқдори кўрсатилган хизматнинг ҳақидан ошмаслиги дозим.

Агарда истеъмолчи коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатларига (эксплуатация) олдидан ҳақ тўлаган бўлса, тариф ўзгарган бўлишига қарамай, истеъмолчи билан қайта ҳисоб-китоб қилинмайди. Лекин хизматлар учун олдидан тўланган ҳақ 12 ойдан кўп бўлмаслиги дозим. Ушбу кўрсатилган даврдан ошса, унда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Ҳозирда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари уй-жой мулкдорлари ширкатларига айлантирилган. Лекин бугунги кунда истеъмолчиларимиз ширкатнинг умумий мол-мулки нималардан иборатлигини биладиларми?

Ширкат аъзосининг мулки унинг уй-жойидир. Ширкатнинг эса умумий мол-мулки зинапоё тўсиқлари, зинапоёлар, лифтлар, лифт шахталари ва йўлақлар ҳамда томлар, техник қаватлар, бинонинг механик, электр, сантехника ва квартиралар ташқарисидан ёки ичидан жойлашган ҳамда биттадан ортиқ квартирага хизмат кўрсатувчи бошқа муҳандислик асбоб-ускуналари, уйлар ёнида кукаламзорлаштириш ва ободонлаштириш воситаларига эга бўлган ер участкалари ҳисобланади.

Истеъмолчиларимиз билишлари керакки, бу хизматлар учун тўланган ҳақ ўзлари яшаб турган хонадонларга етказиб бериладиган иссиқлик, иссиқ сув, ичимлик суви, канализация, газ ва маиший чиқиндиларни ташиш хизматла-

ри учун тўланади. Бундан ташқари, тўланганда эксплуатация харажатлари аҳоли яшаб турган уйларнинг том қисмини, ертўлаларни, турли хил қувурларни, уй йўлакларини таъмирлашга ва шунга ўхшаш хизматларга сарфланади. Шу сабабли аҳоли томонидан хизматларга ўз вақтида ҳақ тўлаб турилиши катта аҳамиятга эгадир.

Бироқ хизмат ҳақини тўлаган истеъмолчи ҳам талабчан бўлмоғи дозим. Яъни у ўз ҳуқуқидан фойдаланишни билиши шарт. Масалан, жорий йилда Ангрэн шаҳар, Қизилтоғ шаҳарчасида яшовчи фуқаролар томонидан қиш мавсумида иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти бўлмаганлиги тўғрисида шикоят тушди. Ушбу ариза ўрганиб чиқилди ва тегишли чоралар кўрилди. Хусусан, етказиб берилмаган иссиқлик ва иссиқ сув учун 3368,2 минг сўм истеъмолчиларга қайтарилди.

Яна бир мисол. Янгийўл тумани, У. Мусаев номидаги жамоа ҳўжалига қарашли «Қуштепа» маҳалласи фуқароларидан шикоят тушди. Унда айрим хонадонлар йилнинг охиригача тўловларни тўлаб қўйганига қарамастан, газ ўчирилганлиги ҳақида ёзилганди.

Бошқармаимиз ушбу шикоятни ҳам дарҳол ўрганиб чиқди ва маҳалланинг газ билан таъминланганини йўлга қўйди ҳамда ишлатилмаган газ учун тўланган 41,2 минг сўм ҳақини истеъмолчиларга қайтартирди.

Янгийўл тумани «Дустлик» жамоа ҳўжалигидаги маҳаллалар ахлларидан эса қиш мавсумида табиий газнинг етказиб берилмаётганлиги, лекин ҳақи тўлиқ ундириб олинмаётганлиги баён этилган хат олдидан. Урганганимизда юқорида кўрсатилган фактлар тасдиқланди ва истеъмолчилар томонидан ишлатилмаган табиий газ учун ҳисобланган 6000,0 минг сўм аҳоли фойдасига қайтарилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, биз истеъмолчиларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилмаслиги тарафдоримиз. Мабодо у содир этилса, билдингиз, унга сабаб бўлган омил, албатта, ўрганиб чиқилади. Истеъмолчининг ҳақ-ҳуқуқи тикланади. Яна қайтараман, бунинг учун истеъмолчилар оч қорним, тинч қулоғим, дея лоқайлик қилмасан, талабчан бўлишлари жуда муҳимдир.

С. ОЧИЛОВА,
Тошкент вилояти
Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш худудий бошқармаси бўлим бошлиғи.

Ишончли шерик

Бухорода тадбиркорларга ахборот-маслаҳат кўмаги берувчи Бизнес-инкубация маркази «Евроосиё» халқаро жамғармаси кўмагида ташкил этилган. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурининг бир қисми сифатида дунёга келган марказнинг асл мақсади тадбиркорларга маълумоти консалтинг хизматлари кўрсатишдан иборат.

Болажонлар кўнгли тоғ

Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд давлат драма театрида «Янги йилнинг ўғирлини» номли театр-лашган томошалар ташкил қилинди. Унда болажонлар сеvimли эртақ қаҳрамонлари Қорбобо, Қорқиз, Мунажжим, Афанди ва Ямоғиз билан рубару келадилар. Эртақ қаҳрамонлари образини ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Б. Раҳимов, З. Омонова, Т. Парлаев, артистлар И. Абубакиров, Н. Ҳўжамқуловлар ижро этишган.

Мухтасархон КАРИМОВА.

ҲАЛИМА НОСИРОВА



Миллий маданиятимиз ва санъатимиз оғир жудолликка учради. Ўзбек театр ва кўшиқчилик санъатининг буюк наомияси, Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотлари соҳиби Ҳалима Носирова 2003 йил 2 январь кунини 90 ёшида вафот этди.

Ҳалима Носирова ўзбек миллий операсининг асосчиларидан бири, ноёб овози билан «Ўзбек булбули» деган юксак шўхратта сазовор бўлган, маданиятимиз доврўғини бутун дунёга тараннум этган, ўзининг бетакрор ижрочилик мактабини яратган улўғ санъаткор эди.

Ҳалима Носирова 1913 йили Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида туғилди. У 1924-27 йиллари Боку театр техникумида, 1934-37 йилларда Москва давлат консерваторияси қошидаги Ўзбек опера студиясида таълим олди. Ижодий фаолиятини 1927 йилда Ўзбек давлат намуна сайёр труппаси /ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри/да актриса сифатида бошлади. 1929-39 йилларда Ўзбек давлат мусиқали театри, 1939 йилдан эътиборан эса Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик опера ва балет катта театрида меҳ-

нат қилди. Ҳалима Носированинг мусиқали драма театри соҳасидаги улкан хизматлари миллий опера ижрочилигининг шаклланишида беқийс аҳамият касб этди. У жаҳон мумтоз опералари билан бир қаторда Ўзбек композиторлари асарлари асосида саҳналаштирилган спектаклларда ҳам кўплаб ранг-баранг образлар яратиб, халқимиз олқишига сазовор бўлди. Санъаткор талқинидаги Ширин ва Лайли, Зуҳра ва Гулсара, Дилором ва Ойхон каби ёрқин образлар бадиий баркамоллиги, теран нафосати ва жозибаси билан нафақат ўзбек, балки жаҳон опера санъатининг ривожига ҳам салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Буюк санъаткоримиз ижросидаги «Дугоҳ», «Сетоҳ», «Ушшоқ» мақомлари, «Ўзганча», «Фигон», «Гул юз узра», «Меҳнат аҳли», «Ўзбек қизи овози» сингари мумтоз кўшиқлар маданиятимизнинг олтин хазинасидан мустақкам жой олди. Беназир истеъод эгаси Ҳалима Носированинг санъат ва маданиятимиз равнақи йўлидаги хизмат-

лари муносиб баҳоланди. У «Ўзбекистон халқ артисти» унвони, Давлат мукофотлари, «Дустлик» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан тақдирланган эди.

Тошкент давлат санъат институтида кўп йиллар самарали фаолият олиб борган профессор Ҳалима Носирова меҳрибон мураббий сифатида юзлаб ёш истеъодларни тарбиялади, ўзбек миллий опера ва кўшиқчилик санъати наомиядаларининг бир неча авлоди вояга етишига муносиб ҳисса қўшди.

Ўзбек халқининг ардоқли фарзанди, устоз санъаткор, ажойиб инсон Ҳалима Носированинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ҳ. СУЛТОНОВ, Х. КАРОМАТОВ, Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ, Х. СУЛТОНОВ, Б. ҚУРБОНОВ, А. ОРИПОВ, Р. АБДУЛЛАЕВ, С. ҚОБУЛОВА, Г. ИЗМАЙЛОВА, М. РАЗОҚОВА

Қишлоб намунали ўтмоқда

Отарда қўй-қўзини бўлса, ризқини ҳамisha бутун бўлади, дейишади. Ушқудуқ туманидаги «Жуқудуқ» ширкат ҳўжалиги эса аниқ қўйчиликка ихтисослашган.

Бу ерда 29371 бош қўй-қўзи парвариш қилинапти. Улар учун етарли миқдорда ем-ҳашак ғамлаб қўйилган. Чўпон-чўлиқлар эса зарур қишқи кийим-кечак билан таъминланган. Буларнинг ҳаммаси қишлобни намунали ўтказиш имконини бермоқда.

СУРАТДА: бош зоотехник Турдибек Базаримбетов чўпонлар Бахтур Шулбоев, Жузўб Қайюпов ва Ботир Қулҳая билан суҳбатлашмоқда.

Собир ЗУФАРОВ (ў.а.) олган сурат.



«Бизнес Банк» — корпоратив облигациялар бозори илғори

«Бизнес Банк» лицензиялари

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг банк операциялари ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензияси № 63, 2000 йил 7 март;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг хорижий валютада операциялар ўтказиш ҳуқуқини берувчи бош лицензияси № 52, 2001 йил 7 декабрь (очиқ акциядорлик-тижорат банкига айлантирилгунча № 50, 2000 йил 16 ноябрь).
- Қимматли қоғозлар бозоридан инвестицион воситачи сифатида фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи лицензия № 928, 2002 йил 19 сентябрь.

«Бизнес Банк» :

- «Тошкент» РФБ брокери;
- «COSCOM» ва «Совпластитал» қўшма корхоналарининг корпоратив облигациялари бўйича расмий дилери (маркет мейкер БК № 350);
- ДҚМО бозоридан иккиламчи дилер.
- «Бизнес Банк» таклиф этади:
- брокерлик хизматлари;
- траст операциялари;
- корпоратив қимматли қоғозлар бозоридан андеррайтинг хизматлари (акция, облигациялар);
- қимматли қоғозлар билан тезкор операциялар
- қимматли қоғозлар бозоридан консалтинг хизматлари.

«M.A.X.-Huroson Ltd.» ҚҚ

Минерал сув ва алкоғолсиз ичимликлар ишлаб чиқариш ва кўйиш, ўраш ва қадоқлаш материалларини ишлаб чиқариш.

Чиқарилиш ҳажми	100 млн.сўм.
Муомалада бўлиш мuddати	9 ой.
Фоиз устамалари	йиллик 27% .
Тўлов мuddати ҳар	30 кунда

Андеррайтер «Бизнес Банк» (бирламчи жойлаштирилишининг 50%).

«NCI Projects» ҚҚ

Кенг доирадаги фойдаланувчилар учун янги дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича хизматлар кўрсатиш ва кўчмас мулк объектларини ижарага бериш.

Чиқарилиш ҳажми	300 млн.сўм.
Муомалада бўлиш мuddати	24 ой.
Фоиз устамалари	йиллик 26 % .
Тўлов мuddати ҳар	90 кунда.

Бош андеррайтер «Бизнес Банк» (бирламчи жойлаштирилишининг 100%).

«N-Com» ҚҚ

Компьютер техникаси, буглаш жиҳозлари етказиб бериш ва сотиш, компьютер ва телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва монтаж қилиш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш соҳасида хизматлар кўрсатиш.

Эмиссия ҳажми	200 млн.сўм.
Муомалада бўлиш мuddати	12 ой.
Фоиз устамалари	йиллик 27% .
Тўлов мuddати ҳар	30 кун.

Бош андеррайтер «Бизнес Банк» (бирламчи жойлаштирилишининг 75%).

«Асклепий» фирмаси

Ўзбекистон Республикасига дори-дармонлар, тиббиёт маҳсулотларини етказиб бериш ва уларнинг савдоси билан шўғулланиш.

Эмиссия ҳажми	270 млн.сўм.
Муомалада бўлиш мuddати	12 ой.
Фоиз устамалари	йиллик 27 % .
Тўлов мuddати ҳар	30 кунда.

Бош андеррайтер «Бизнес Банк» (бирламчи жойлаштирилишининг 100%).

«Coscom» ҚҚ

Уяли алоқа ва халқаро роуминг соҳасида телекоммуникация хизматларини кўрсатиш.

Эмиссия ҳажми	1 млрд.сўм.
Муомалада бўлиш мuddати	24 ой.
Фоиз устамалари	йиллик 29% .
Тўлов мuddати ҳар	90 кунда.

Бош андеррайтер «Бизнес Банк» (бирламчи жойлаштирилишининг 93%).

«Совпластитал» ҚҚ

Пластмасса, сопол, рангли шиша ва чиннидан халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқариш.

Эмиссия ҳажми	1 млрд.сўм.
Муомалада бўлиш мuddати	12 ой.
Фоиз устамалари	йиллик 29 % .
Тўлов мuddати ҳар	90 кун.

Бош андеррайтер «Бизнес Банк» (бирламчи жойлаштирилишининг 93%).

Ўзбекистон Республикаси, 700047, Тошкент ш., «Мовароуннахр» к., 13 «А».
Телефонлар: (998 71) 133-86-65, 120-50-30, факс (998 71) 133-86-76.

Маънавият

Елкасида хуржун бор, ёши етмишдан ошган, қарашла-ри гам -ташвишли чол бозорнинг гўшт растасига кириб келиб, пештакта олдида турган ногурлу йигитдан:
- Болам, тазаланган мол оёғини қаерда сотади? - деб сўради.

Бозорни КИМ бузаяпти? (бўлган воқеа)

Йўқ, бизга чойи мон ҳам бўлаверди. Утлим трактор билан зовурга ағдарилиб, оёғини синдириб қўйди. Дўхтирлар бугун апараста қилиб, менга молнинг оёғидан сен айтган ўша илигиччани пишириб келишини буюришти, - деди кинодан малоланиб чол.

Пулим етмас экан, майли... - дейиши билан сотувчи тағидан бир жуфт оёқни олиб чолга кўрсатди йигит.

матилдога ҳаром мойдек ёқди, кўрмайсизми, у борган сари тирсиллаб семириб кетаяпти, уни бало ҳам урмайди, у бало билан ҳам тил топишиб ошно бўлиб олади, жаннатта ҳам пора бериб кириб кетади, - деди ҳазиломуз ҳамтовоқларидан бири.

Чол хурсанд бўлиб, оёқларини дарров белбоғига тутди-да, нарҳини сўради.
- Ота, биттаси олти мингдан, ўн икки минг сўм берасиз, - деди йигит пинагини бузмай.

Сенларда инсоф қолмаган бўлса, мен энди нима ҳам қилардим? Шу палла оёқ қилириб қаёққа ҳам бораман? Розин бўлмасдан иложим йўқ, розиман, - деб оёқ тугилган белбоғини ола солиб, чол шайланганча одамлар ичига кириб кўздан кўйиб олди.

Барибир, болаларим, инсоф сари барака! Мана, менинг бозорга чиққанамга қирқ йил бўлибди. Хўжайиним аварияда ҳалок бўлгач, боқувчисиз қолдим. Қалла-пача тазалаб сотиб, етти болани воёга етказдим. Ҳозир ҳам одамлар "Жамбул хола тазалаган қалла бўлса одаман", деб қидириб келишади. Нечта қалла-пача тазалаб келсам ҳам қолдирмай олиб кетишади. Чин, сиқидил меҳнат қилсанг, бир кунмас бир кун меҳнатинг албатта рўёбга чиқар экан. Сенлар ўзларинг меҳнат қилмаганларингга яраша, ҳаридорнинг кўзини боғлаб, бошини айлантириб бирини ўнга пуллаш пайига тушасанлар, кўндал қилиб топганинг кутбаракаси бўлармиди? Ҳаром йўл билан топилган пул охири-оқибатда албатта ўнганмайди-ган бир фалокатта олиб боради, у ҳеч қачон буюрмайди, ҳаромта кетади. Ароққўрликка ружу қилсанлар, ёмон йўлга юрасанлар. Бу йўл билан миллион топганингга ҳам тўқ қачон роҳат-фароғатда яшай олмайсиз. Ҳаром сента тинчлик бермайди, у албатта тешиб чиқади. Қаллапаз Охун эсларингизми? Унинг совет пулидан миллиони бор эди. Пулни ўрис оғайинлари тунаб кетишган, ўзи ҳам қуйиб тамом бўлди. Қирқ тўрт ёшида ароқ ичиб ўтириб юрди тўхтаб қолди. Худо давлат берса ҳалолдан берсин. Ана Сарвар Қодиров - маҳалламиздан чиққан, Нигматнинг синфдоши, худо ёрлақган йигит, илм

Чол олаётган нарҳаси заҳардан ҳам қимматлигини билса-да, излаган нарҳаси тоғилла қолганлигидан рози бўлиб, шекилли, пулини санай бошлади. Қайта-қайта санаб адашиб кетди. Чолин тазароқ алаб, бирни ўнга сотиш пайидан бўлган қаллобнинг тоқати-тоқ бўлиб:

Чолнинг орқасидан "Хой ота, тўхтаг, хой ота" деб анча жойгача қидириб борди, лекин уни топа олмади. Бу ишга журъатсизлик қилиб эртарақ аралашмаганимдан ўзимни қаттиқ койдим. Лекин энди койинишинг фойда Каллоб афроғида ўтирган беш-олти одам эса бир бечорани ҳимоя қилиш ўрнига уни мазаҳ қилдириб, талатиб, томошабин бўлиб ўтирди. Кейинчилик билсам, улар қаллобнинг ҳамтовоқлари экан. Бу одам қилиб қўйган ишидан пушаймондир, деб ўйлаган эдим, йўқ, аксинча, у бу қилиғини биринчи марта қилаётган эмас экан. У ўзининг кечаги ишлари ҳақида, гўё қаҳрамонлик кўрсатгандек, оғиз қупиртириб мақтана бошлади:

Чол барча чўнтақларини қаллаштириб, пул тополмасдан:

Болалар спорти

Осмон тўла юлдузлар бу гал Андижон заминида чарақлайди

Исоннинг кўли гул, деганларича бор экан. Жуда қисқа вақт ичида Андижоннинг шимолий «Кўшарик» дарвозаси келинчакдай очилиб кетди. Яқкам-дуккам тут дарахти макон тутган пёёновда шифоконлар, тиббиёт олийгоҳининг маҳабати биноси кўриб битказилди. Ўша улғурор иншоотларга туташ жойда яна бир ноёб мажмуа қад ростилапти. Бу Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Андижон спорт қоллибларни аниқлаб берди. Уттиздан ортиқ коллеж ва лицейлардан келган 120 нафар ёш полковлар бир неча кун мобайнида куч синашди. Умум-жамоа ҳисобида А.Фодуров мураббийлик қилаётган Марҳамат туманидаги агробизнес коллежи ёшларига тенг келадигани топилмади. Халқаро кураш бўйича мусобақаларда Андижон политехникаси полковлари голиблик наҳасидани сурдилар.

Синоб Андижон шаҳридаги «Ямбол» спорт мажмуиди мурасиз курашлар белбоғи кураш ҳамда халқаро кураш бўйича голибларни аниқлаб берди. Уттиздан ортиқ коллеж ва лицейлардан келган 120 нафар ёш полковлар бир неча кун мобайнида куч синашди. Умум-жамоа ҳисобида А.Фодуров мураббийлик қилаётган Марҳамат туманидаги агробизнес коллежи ёшларига тенг келадигани топилмади. Халқаро кураш бўйича мусобақаларда Андижон политехникаси полковлари голиблик наҳасидани сурдилар.

«Ютуқсиз» чипталарга ютуқ манзилдаги юборди. Очиги, ана шу «омадсиз» чипталар унга омад келтиришини хаёлига ҳам келтирмаганди. Бахтли тасодифи қарангки, тўрт босқичда давом этган ютуқсиз чипталар ўйинида у «Нексия» автомобил соҳибаси бўлди. Шунингдек, 15 та телевизор, 80 та спорт кийими ҳам ўз соҳибларини топди. Кеча «Эколот» кўшма корхонасида ютуқларни ўз эгаларига тошириш маросими бўлиб ўтди. Таъбир сўзига Мушоира оила аъзолари билан Бухорога «Нексия»да қайти.

Утган йилнинг март ойида «Андижонвиллоятқурилиш» ҳисобдорлик жамияти бунёдкорлари бир вақтинч ўзида мажмуа таркибига кирувчи барча иншоотларда иш бошлашганди. Иш уч сменада ташкил этилиб, ҳозирга қадар уч юз ўқувчи-мўлажалланган уч қаватли ўқув корпусининг темир-бетон конструкциялари тиклаб бўлинди. Қурувчилар қилишқировли кунларда ҳам астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ингирма минг томошабинга мўлажалланган ўнгоҳ эса ларри мусобақаларни ўтказишга тайёр. Унинг юқори қисмида яшил рангларга соябонлар тикланмоқда. 11,5 гектарлик умумий майдоннинг ярмини қамраган мазкур иншоот «Ан-

дижон сув қурилиш» бирлашмасига қарашли қурилиш-монтаж бошқармаси жамоаси томонидан қуриляптир. Сув ҳўжаллиги ташкилотлари ишчи-хизматчилари эса ўйингоҳ майдонига чим ётқизиб бўлидилар.

Тенгдошимиз бу ютуққа қандай қилиб эришди? - ўзларига ўзлари савол беришди ёшлар. Жавоб эса жўли бўлди: - Фарҳодбек тинимсиз машқ қилди, қатъият, ирода, матонат ҳамма нарсадан устун келди. Хўш, нега биз тенгдошимизчалик бўлолмаймиз?

Бахрамандлик Фарҳодбек Норматовнинг белбоғи кураш бўйича Наманган шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар

Одилжон ШОДОНЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

М. ХОЛМАТОВА.

Бухоро вилоятининг Гўждувон туманида яшовчи ҳамшира Мубошира Сандова «Эколот» кўшма корхонасининг ютуқсиз лотерея чипталарига кўшимча ўйин жорий қилганидан хабар тоғач, ўйналган чипталарини «Эколот»

«Ютуқсиз» чипталарга ютуқ манзилдаги юборди. Очиги, ана шу «омадсиз» чипталар унга омад келтиришини хаёлига ҳам келтирмаганди. Бахтли тасодифи қарангки, тўрт босқичда давом этган ютуқсиз чипталар ўйинида у «Нексия» автомобил соҳибаси бўлди. Шунингдек, 15 та телевизор, 80 та спорт кийими ҳам ўз соҳибларини топди. Кеча «Эколот» кўшма корхонасида ютуқларни ўз эгаларига тошириш маросими бўлиб ўтди. Таъбир сўзига Мушоира оила аъзолари билан Бухорога «Нексия»да қайти.

Узбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ва бирлашган касба уюшмаси кўмитаси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кафедраси мудири, Узбекистон Республикаси Фан аربоби, Бериуний номидаги Узбекистон Республикаси Давлат мукофоти соҳиб, Узбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, фелсафа фанлари доктори, профессор Жондор ТУЛЕНОВнинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чўқур таъзия билдирилди.

Узбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси республика Бош прокуратураси бошқармаси прокурори Бахтиёр Самуковга волидан муҳтарамаси

Узбекистон Миллий ахборот агентлиги - УАД жамоаси агентликнинг Наманган вилояти бўйича махсус мухбири Илҳомжон Раъзоқовга отаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тажриб хайъати: Э. Болшев (масъул котиб - «Халқ сўзи»), М. Егоров, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари - «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, М. Мираллимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И. Худоберон, И. Шогурдомов, О. Қанибергенов (бош муҳаррир ўринбосари - «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г - 71. 33553 нусхада босилган, ҳажми - 2 табоқ. Об'ект усулида босилган. Кўзгўйиш А - 2. Газета ИВМ компьютеризация терилди на операторлар Жамиид ТОГАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб - А. Ортинов. Навбатчи муҳаррир - И. Ўтбосаров. Навбатчи - М. Юсуфов. Мусаҳҳиҳ - И. Турсунова.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босинга топириш вақти - 21.00. Топирилади - 20.30 1 2 3 4 5 6

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! «ВАҚТ» Миллий депозитарийси очик акциядорлик жамияти ҳиссадорлик жамиятлари, юртимизда феолият юримаётган инвесторлар ва акция эгаларини ЯНГИ - 2003 ЙИЛ билан қўзини муборакбод этади.

Бошланаётган Янги йил мамлакатимиз халқига тинчлик-тотувлик, сиҳат-саломатлик ва қут-барака олиб келишини тилайди. Ватанимиз равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатларингизди улкан зафарлар тилайди. «ВАҚТ» Миллий депозитарийси очик акциядорлик жамияти жамоаси

«Халқ сўзи» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСЛАР: Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибхона 133-10-28; Эълолар 136-09-25.